

2.

**Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича
ШАРТНОМА 10-сонли**

2022 йил 26 апрель

Тошкент шаҳри

„Ургончи пор“ оганаториеси номидан Низом асосида фаолият юритувчи б. Кашапов. (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва “РОУТАХТ Г’ОЯ ТАОМ” МЧЖ номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи директор В.Бургутов (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), фаолият юритувчи директор В.Бургутов (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуидагилар тўғрисида туздилар:

I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар куни Буюртмачини тайёр иссиқ овқат билан таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил 26 апрелдан

2022 йил 31 декабргача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

II. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қуидаги хукуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулқдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуқлар.

2.2. Аутсорсер қуидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилон фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлашишунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатища техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равища огохлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш хуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклashi;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равища огохлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишини (малакасини оширишини) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи қўйидаги хуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равища огохлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқлар.

2.4. Буюртмачи қўйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи
1419092 983 (бир мингга тўйин из ўтишадиган таъсирларни ташкил этади.)

сўм 00 тийинни ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вактдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташабуси билан қайта кўриб чиқилади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вактида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошقا норматив-хукуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4. Буюртмачига ҳар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ кўлланилади.

V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

VI. Коррупцияга қарши шарт

6.1 Томонлар:

-томонлар, уларнинг аффилланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва коррупция характеристига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора беришни ваъда қилиш,

таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш ҳатти-ҳаракатлари, ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.

-томонлар, уларнинг аффиланган вакилларини (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига қандайдир ҳатти-ҳаракатларни ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз қечадилар деб маълум қиласидилар.

кечадилар деб маълум киладилар.

6.2. Томонда ушбу шартноманинг 6.1.- бандидаги талабларни бузиш, содир этганлиги ёки содир этиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда тегишли Томон бу хақда иккинчи томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса-амалдаги қонун хужжатларидаги белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

VII. Форс-мажор ҳолатлар

7.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки түлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгіб бўлмас куч, яъни табиий оғатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга суриласди.

VIII. Якунловчи қоидалар

8.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий хисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

8.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз хукуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

III. III. Йилеманинг амал килиши муддати

IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва бир календарь иили давомида ёки муддатидан олдин бекор қилингунига қадар амал қиласи.

X. Тамонларнинг манзили ва банк реквизитлари

"Аутсорсер"



"Бүортмачи"

Букрима А.
"Лукомъ-ПОЛ" е акционерна
куп. Осн. капиталъ 34 злт
р/р: 1000218602 6266 41012033474
ел/р: 20Н23323 МРД-000010
дирек: Николаевъ Георгий Г.И.
дкнз: 91880 дата: 55-573-35-9
отмѣна: 13.09.2009 г. Газета
р/р: 03402 РЕСТР 0000001010
МРД-000010 дата: 2011 22 915
Банкъ:
Б. Каскадъ
Банкъ: *ООО "Узбекбанк"*

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Кексалар, ногиронлиги бўлган
шахслар уруш ва меҳнат фахрийлари
учун “Нуронийлар” санаторийси
директори
Б.С.Камалов

2022 йил “_26_” апрел

**Тошкент шаҳар Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар уруш ва меҳнат фахрийлари
учун “Нуронийлар” санаторийси**

тандов комиссияси йиғилишининг

17 -сон

БАЁННОМАСИ

2022 йил “26” апрел

Тошкент ш.

ҚАТНАШДИЛАР:

Б.С.Камалов	Директор -тандов комиссия раиси
М.А.Талипова	Материалный бухгалтер- комиссия котиби
Г.М.Умарова	Касаба уюшмаси раиси - тандов комиссия аъзоси
М.М.Нигматджанова	Бош хисобчи - тандов комиссия аъзоси
Г.Ш.Махмудова	Даволашибар ишлари буйича директор уринбосари - тандов комиссия аъзоси
Б.У.Шадиев	Зам АХЧ - тандов комиссия аъзоси

КУН ТАРТИБИ:

1) Тошкент шаҳар Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун “Нуронийлар” санаторийсининг дам олувчиларини иссиқ овқат билан таъминлаш учун тижорат таклифлари асосида мақбулини танлаш тўғрисида.

Сўзга чиққанлар:

Тошкент шаҳар Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун “Нуронийлар” санаторийсини раҳбари Б.Камалов сўзга чиқиб, санаторий дам олувчиларини сифатли иссиқ овқат билан таъминлаш ва бунда ҳар томонлама бюджет маблағларини тежаш учун аутсорсинг хизматидан фойдаланиш тўғрисида гапириб ўтдилар.

Шундан сўнг санаторий хужалик ишлари буйича директор уринбосари Б.У.Шадиев сўзга чиқиб санаторий дам олувчиларини иссиқ овқат билан таъминлаш учун давлат харидлари электрон савдо тармоғига киритилган. 1 419 092 784 сумга 71337-сонли лот раками берилганлигини маълум килинди. Тақдим этилган учта корхона таклифлари билан комиссия аъзолари атрофлича таништириб чиқилди.

“Нуронийлар” санаторийси хужалик ишлари буйича директор уринбосари - тандов комиссияси аъзоси Б.У.Шадиев ЎРҚ-684 - сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг талабларига қатъ риоя қилиш буйича ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни мақсадли тарзда фойдаланишлари лозимлиги тўғрисида тушунтириш бериб ўтди. Харид комиссияси аъзоларида мазкур 71337 - сонли лот иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.) 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилланган шахси мазкур 71337-сонли лотда иштирок этмаяпти.

Мухокамага қўйилган масала юзасидан 2 (икки) иш куни давомида ҳеч қандай таклифлар келиб тушмади ва норозиликлар билдирилмади.

Маълумотлар stat.uz саҳифаси орқали текширилди.

Таклиф этилаётган нархлар, баллар қўйидагича белгиланган:

№	Иштирокчи номи	Таклиф этилаётган нарх	Балл
1	ООО POYTAXT GOYA ТАОМ	1419092784	96.5
2	STROY AND FOODSERVIS MCHJ	1419092784	75.5
3	GOOD FOOD CATERING MCHJ	1215000000	21

Комиссия аъзоларининг хулосасига кўра **ООО «ООО POYTAXT GOYA ТАОМ»** корхонаси тижорат таклифлари ўрганиб чиқилганлиги ва эълон талабларига кўра, узоқ йиллардан буён аутсорсинг хизмати кўрсатиш бўйича етарли тажрибага эга эканлиги, етарли айланма маблағи мавжудлиги, доимий равишида Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг Пархез маркази талаблари асосида таом тайёрлаш қўйикласига эвалиги ва нархлари нисбатан арzon эканлиги сабабли энг мақбули деб топилди.

Комиссия қарор қиласди:

- “Нуронийлар” санаторийини дам олувчиларни сифатли иссиқ овқат билан таъминлаш учун МЧЖ “ООО POYTAXT GOYA ТАОМ” билан 48600 порция учун шартнома тузилсин.
- МЧЖ “ООО POYTAXT GOYA ТАОМ” » корхонаси таклифи бир овоздан мақуллансан.
- “Нуронийлар” санаторийини дам олувчиларни мавсумий ва сархил мевалар билан таъминлаш МЧЖ “ООО POYTAXT GOYA ТАОМ” зиммасига юклатилсин. Ушбу шартлардан келиб чиқиб қўйидаги талаблар бажарилмаган холатда шартнома бекор килиниши огоҳлантирилсин.

Ушбу баённома ижроси, санаторий хужалик ишлари бўйича директор уринбосари Б.У.Шадиев зиммасига юклатилсин.

Танлов комиссияси аъзолари:

Хайъат райси:

Директор:

Б.С.Камалов



Хайъат аъзолари:

Даволаш ишлари бўйича
директор ўринбосари:

Г.Ш.Махмудова



Хўжалик ишлари бўйича
директор ўринбосари:

Б.У.Шадиев

Бош хисобчи:

М.М.Нигматджанова

Касаба уюшмаси раиси:

Г.М.Умарова

Материал бухгалтер

М.А.Талипова